

СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Юлдашева Дилором Нигматовна
БухДУ филология факультети
Ўзбек тилшунослиги ва журналистика
кафедраси профессори, п. ф. н.
yuldasheva21dilorom@gmail.com

Аннотация: Мақолада фразеологизмларнинг синтактик таҳлиliga оид баъзи муаммолар хусусида мулоҳаза юритилган.

Таянч сўзлар: синтактик омил, семантик омил, гап бўлаклари муаммоси, фраземаларнинг синтактик таҳлили.

Аннотация: В статье рассматриваются некоторые проблемы с синтаксическим анализом фразеологии.

Ключевые слова: синтаксический фактор, семантический фактор, проблема частей предложения, синтаксический анализ фразеологизмов

Annotation: The article discusses some problems with the parsing of phraseology.

Keywords: syntactic factor, semantic factor, the problem of parts of a sentence, parsing of phraseological units.

Формал (анъанавий) тилшунослигида¹ махсус қўйилмаган, ўрганилмаганлиги сабабли унда қатор муаммоларни келтириб чиқарган масалалардан бири лингвистик тасниф масаласи эди. Тасниф масаласи билан тилшунослар ҳар қадамда, ҳар бир ҳукмда бевосита ва билвосита тўқнашсалар-да, «тасниф ўз-ўзидан тушунарли ҳодиса» деб унга махсус эътибор бермас эдилар². Шу боис фанда қатор сунъий чалкашликлар туғилган

1 1930-2000 йиллар ўзбек тилшунослигининг ички таснифи ва унинг формал, формал-функционал (анъанавий ва ноанъанавий - систем-структур) талкин босқичлари ҳақида қаранг: Нигматова Л.Х. Ўзбек тилида привативлик (нофонологик сатҳлар). НДА.–Тошкент:ТАИ, 2004.

2 Қар.Мадраҳимов И.С. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. НДА. – Тошкент, 1994.

эди. Формал тилшуносликда юзага келган шундай «муаммо»лардан бири фрезамаларнинг синтактик таҳлили, аниқроғи фраземалар иштирок этган гапларда гап бўлақларини ажратиш эди. Бунда фраземаларнинг семантик жиҳатдан яхлитлиги (бутунлиги, маъно жиҳатдан битта сўзга тенглиги) асосида фразема бутунлигича битта гап бўлаги вазифасида келади³ деган ғоя илгари сурилиб, таҳлил жараёнида мураккабликлар туғдирилди. Шунинг учун бундай қарашни академик В.В. Виноградов таълимотига асосланиб, ўзбек фанига олиб кирган ва оммалаштирган Ш.Раҳматуллаев ўзининг кейинги ишларидан бирида ҳам *ақл битмади, боши ишиди* каби фраземалар эгасиз гаплар ҳосил қилади деб таъкидлайди⁴. Фраземали гаплар синтактик таҳлиliga шу нуқтаи назардан ёндашилганда мантиқий изчил илмий таснифга қўйиладиган асосий талаб— таснифнинг бир асосга таяниши⁵ бузилади. Зероки, фрезема *с е м а н т и к*, яъни *маъно* жиҳатдан яхлит ва бутундир. Шу асосда уни синтактик бутунлик деб талқин этиш мантиқнинг энг асосий қонуни—айният қонуни⁶ни ҳисобга олмаслик билан тенгдир: синтактик таҳлил (гапта гап бўлақларини ажратиш) семантик асосда эмас, балки с и н т а к т и к талаб ва хусусиятларга таяниши лозим. Чунончи,

Бу хабарни эшитган Каримнинг тарвузи қўлтигидан тушиди гапини формал тилшунослик меъёрлари билан синтактик жиҳатдан таҳлил қилмоқчи бўлсак, қарама-қаршилиқлар мажмуасига дуч келамиз. Ҳақиқатан ҳам, *тарвузи қўлтигидан тушиди* фразема, аниқлаштирилган, мукамаллаштирилган таснифларга кўра, предикатив, гап структурали феъл фразема. Лекин келтирилган гапта *Каримнинг таркибий қисми қайси гап бўлаги мавқеида турибди?* Агар қаратқич келишикли сўз гапта фақат қаратқичли аниқловчи вазифасида келишига таянса, у ҳолда *Каримнинг*

3 Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Фан, 1965.

4 Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. – Т.: Университет, 1992. ва б.

5 Клаус К. Введение в формальную логику. – М.: Наука, 1959. С.234.

6 Қаранг: Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантик. – Т.: Ўқитувчи, 1990. –Б.82-88.

кайси аниқланмишнинг аниқловчиси, деган саволлар туғилиши табиийдир. Формал тилшунослик бу саволларга асосли жавоб бера олмайди.

Фразема соф семантик бутунлик бўлганлиги сабабли унинг «семантик бутунлиги»ни синтактик бутунликка кўчириш мумкин эмас—истаган турдаги фразема (уни биз тор тушунамизми, кенг⁷ми, барибир) синтактик таҳлилда фақат синтактик белгиларга кўра тасниф этилмоғи зарур. Шунинг учун, масалан, *Мушук томдан тушди* гапи синтактик жиҳатдан **эга ~ ўрин холи ~ кесим** сифатида синтактик бўлакларга ажратилгани каби *Тарвузи қўлтигидан тушди* гапи ҳам шундай бўлакларга ажратилиши лозим.

Фраземалар таркибидан ажралган ҳолда қўлланилмайдиган сўзлар (чунончи, *абжақ, алмисоқ, ҳаш-паш, озмоқ, бино, бино қўймоқ, чоғ, жин /жини суймайди/ в.х.*), фраземалар таркибидаги нумеративлар ҳам (*чимдим, шингил, оғиз / бир оғиз гап / в.х.*) гапни синтактик бўлакларга ажратиш жараёнида алоҳида-алоҳида қисмларга ажратилиши зарур. Шунинг учун *ютуқ чиқди* бирикмаси қандай таҳлил этилса (эга ~ кесим), *абжағи чиқди, донғи кетди* ҳам с и н т а к т и к нуқтаи назардан шундай таҳлил этилиши лозим.

Айтилган фикр нафақат предикатив, балки нопредикатив фраземаларга ҳам алоқадордир. Чунончи, *тош юрак, кўнгли бўш, ипидан игнасиғача, кўзи тўрт* каби фраземалар ҳам *тош кўприк, қопи бўш, уйдан университетгача, сон қиймати тўрт* каби эркин бирикмалар синтактик жиҳатдан қандай таҳлил қилинса, шундай талқин этилиши шарт.

Юқорида айтилганлардан *тарвузи қўлтигидан тушди* билан *мушуги томдан тушди* орасида ҳеч қандай фарқ йўқ деган ғайриилмий хулосага келмаслик керак. Булар орасида фарқ бор, фақат у с и н т а к т и к эмас, балки с е м а н т и к фарқдир. Семантик фарқни синтактик ходисани баҳолашда асос қилиб олиш синтактик асосни бузишга олиб келади. Лекин жуда кўп

7 Қаранг: Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи.– Т.:Ўзбекистон, 2002. –Б.190-191.

ҳолатларда синтактик ҳодисалар (жумладан, семантик ва синтактик валентликлар⁸) семантика билан узвий боғлиқ бўлади. Ҳақиқатан ҳам, *тарвузи қўлтигидан тушиди* билан *мушуги томдан тушиди* таркибидаги *тарвузи* ва *мушуги*, *қўлтиги* ва *томдан* сўзларининг синтактик хусусиятларида фарқлар мавжуд ва бу фарқлар, жумладан, *мушук* ва *том* сўзшакллариининг ажралувчанлиги, маъновий мустақиллиги билан боғлиқдир. Шунинг учун бу сўзлар семантик валентлиги асосида *қора мушуги*, *семиз мушуги...*, *баланд томдан*, *пастак томдан* каби бирикмалар ҳосил қилиши мумкин. Гап кесими ҳам ўзининг семантик валентлигига хос кенгайтирувчилар билан кенгайтирилиши мумкин. Чунончи, *Ражаббойнинг эпчил мушуги баланд томдан енгилгина сакраб, эгасининг олдига тушиди*. Бундай мустақиллик, албатта, *Ражаббойнинг тарвузи қўлтигидан тушиди* гапи таркибидаги *тарвузи*, *қўлтигидан*, ва ҳатто *тушиди* сўзларида йўқ: биз *Ражаббойнинг тарвузи қўлтигидан тушиди* гапидан *Ражаббойнинг катта тарвузи кенг қўлтигидан тап этиб тушиди* гапини туза олмаймиз. Бунинг сабаби эса синтактик омиллар билан эмас, балки семантик омил билан – *тарвузи қўлтигидан тушиди* ҳосиласининг семантик яхлитлиги, бутунлиги билан боғлиқдир. Қўшма сўз таркибидаги "сўз"лар мустақил валентликка эга бўлмагани каби фразема таркибидаги сўзлар ҳам маъновий мустақилликка эга эмас ва мустақил валентликка эга бўлолмайди. Мустақил синтактик валентликка эга бўлмаганлиги сабабли уларга г а п қурилиши таркибида гап бўлаги мавқеини инкор этиш эса фраземаларнинг гап қурилишли ва сўз бирикмаси қурилишли турларга ажралишининг инкорига олиб келиши, уларни қўшма сўзларга тенглаштиришга олиб келиши мумкин. Бундай хулоса чиқаришга эса тил фактлари тўсқинлик қилади. Шунинг учун фразема синтактик жиҳатдан ажралмайдиган таркибий қисмлардан иборат бўлса (чунончи, *дов бермоқ*, *дош бермоқ*, лекин *гаши келмоқ*, *жини қўзимоқ* эмас),

8 Қар.: Расулов Р. Лексико-семантические группа глаголов состояния и их валентность. – Т.: Фан, 1991. – С.176-177.

бундай ҳодисалар қўшма сўзлар сифатида баҳоланмоғи лозим. Шу билан фразема ва қўшма сўз орасида яна бир фарқ аниқланади – фразема таркибидаги бўлақлар синтактик функциясини, синтактик мустақиллигини сақлайди, қўшма сўз таркибий қисмлари орасида эса синтактик вазифа бажариш йўқолади, гап таркибида қўшма сўз барча таркибий қисмлари билан битта синтактик вазифани бажаради. Шунинг учун фраземаларнинг (ФР) эркин бирикмалар (ЭБ) ва қўшма сўзлар (+С) билан алоқадорлигини куйидаги жадвалда акс эттириш мумкин:

омил	хусусият	бўлинувчанлик	бўлинмаслик
Синтактик		ФР, ЭБ	+С
Семантик		ЭБ	ФР, +С

Бундан кўришиб турибдики, фразема семантик ва синтактик бўлинувчан эркин бирикма ва бўлинмас қўшма сўз оралиғида оралиқ учинчини ташкил этадиган бир ҳодисадир.

Юқоридаги баёндан фраземалар ҳеч қачон гапда бутунликда бир гап бўлаги мавқеида кела олмайди деган хулосага келмаслик керак. Улар кенгайган бирикма сифатида келганда–ҳар қандай кенгайган бирикма каби– албатта битта гап бўлаги мавқеини эгаллайди. Чунончи,

эга: ... бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирмоқ сиз билан биздан лозим эмас. (Парда Турсун. «Ўқитувчи»)

кесим: Жаҳлнинг оқибати бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш бўлди. (Парда Турсун. «Ўқитувчи»)

тўлдирувчи: У ўз ғурури, обрўсига бировнинг оз-моз тил тегизишини кўтармас эди. (Ойбек)

ҳол: Агитатор ҳаммага маълум гапларни айтаётганини ўзи ҳам сезиб туради, шошиб юмалоқ ёстиқ қилиб ўтказади (Парда Турсун. «Ўқитувчи»)

Она кўзи тўрт (бўлиб) ўглидан хабар кутарди.

аниқловчи: (Найманчада бўзчининг сиқиб сувини ичган неча-неча вофурушу саррофлар ўтган. (Асқад Мухтор. «Чинор»)

Кўзи тўрт кишининг қулоғи эшик тиқиллашида ёки телефон жиринглашида бўлади.

Кенгайган бирикманинг ичида келган фразема гап бўлаги сифатида мутлақо ажратилмайди. Чунончи: ... юқори ҳокимлар олдида тилининг узун бўлганига тўла ишонган элликбоши фуқарони сира менсимади. (О.) гапида юқори ҳокимлар олдида тилининг узун бўлганига тўла ишонган кенгайган сифатдош бирикмаси битта гап бўлаги–аниқловчи вазифасида келган. Бу бирикма таркибида *тили узун (бўл-)* фраземаси ҳам мавжуд. Лекин бу фразема *ишон-* феълига боғланиб келган ва шу феъл марказида турган кенгайган бирикма таркибига киради. Кенгайган бирикма таркибида эса бу фразема мустақил гап бўлаги мавқеини эгалламайди, чунки кенгайган бирикманинг ўзи гап эмас ва гап бўлакларига ажратилиши мумкин эмас–кенгайган бирикма–маркази ва қуршов сўзлари битта гап бўлаги бўлиб келади ва улар кенгайган бирикма ичида (синтактик таҳлил талабларига кўра) ажратилиши мумкин эмас. Бунда фразема, қўшма сўз, эркин бирикма орасидаги фарқ тамоман йўқолади.

Айтган фикрлар фраземаларнинг алоҳида бир кўриниши сифатида баъзан қабул қилинадиган, баъзан рад этиладиган мақол, матал, ҳикматли сўзлар, турғунлашган иборалар, тасвирий воситаларга (парафразаларга) в.б. ҳам оиддир. Уларнинг у ёки бу даражада семантик бутунлиги бу ҳосилаларнинг синтактик бўлинувчанлигига монелик қилмаслиги керак. Семантик омил ва томон бошқа, синтактик омил ва томон бошқа. Семантик томон ва хусусият семантик омил билан, синтактик хусусият эса, табиийки, синтактик омил билан баҳоланиши лозим. Семантик асосга таяниб синтактик хусусиятни, синтактик асосга таяниб семантик хусусиятни «аниқлаш» мантикий хатодир – ҳар бир хусусият ўз асосидан келиб чиқиши шарт. Шунинг учун кўпгина синтаксисчилар синтактик моҳият (жумладан, гап бўлаклари моҳияти)ни *Арамнинг сарағини бардан сарга бўрдим* каби семантик

омилдан ажратилган «соф синтактик гап» таҳлилида кўради, чунки бунда синтаксис соф ҳолда, семантик қобикдан ажралган ҳолда воқеланади *Ражаббойнинг мушуги томдан тушиди* билан *Ражаббойнинг тарвузи қўлтигидан тушиди* бир хил синтактик қурилишга эга бўлади. Масалан, *Арамбойнинг сарағи бардан бўрди*. Бу қурилмада эса қаратқичли аниқловчи (*Арамбойнинг*) эга вазифасида келган қаралмиш (сарағи), чиқиш келишиги шакли билан ифодаланган воситали тўлдирувчи ёки ҳол ва феъл-кесим каби гап бўлаклари ажралиб туради. Бу қолип *Ражаббойнинг мушуги томдан тушиди* шакл ва тўлдирилишидами ёки *Ражаббойнинг тарвузи қўлтигидан тушиди* шакл ва тўлдирилишидами, воқеланиши синтаксис учун мутлақо бефарқдир. Бу икки гап орасидаги фарқ синтактик эмас, балки семантикдир. Семантик фарқ асосида синтактик моҳиятни белгилаш эса мантиқий хатодир.

Адабиётлар:

1. Виноградов В.В. Русский язык (грамматическое учение о слове). – М.:Высшая школа, 1972.– 613 с.: Виноградов В.В. Основные вопросы синтаксиса предложения // Избр.труды. Исследования по русской грамматике. – М., 1975. –275 с. ва б.
2. Клаус К. Введение в формальную логику. – М.: Наука, 1959. –С.234.
3. Неъматов Ҳ., Йўлдошева Д. Фраземаларнинг синтактик таҳлили ҳақида //Бухоро университети илмий ахборотлари (05-024), 2006, 2-сон.Б.48-52.
4. Расулов Р. Лексико-семантические группа глаголов состояния и их валентность. – Т.: Фан, 1991.–С.176-177.
5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. –Тошкент, 1966. – Б.46.
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. – Т.: Университет, 1992.– Б.24-25.
7. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1990.– Б.82-88.